

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
доцент Х.Комолов
« ____ » _____ 2016 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра мудири _____
доцент О.Шерматов
« ____ » _____ 2016 йил

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Салоҳиддин Фохриддиннинг**

∪
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Жалолқудук туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришда ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

БМИ раҳбарлари:

*и.ф.н. доцент Х.Комолов
ассистент Р.Имомов*

Бажарувчи:

Ф.Салоҳиддинов

Андижон - 2016

ЎЗБЕКИСТОН КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудири

О.Шерматов _____

«___» ___2016 й.

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Салоҳиддинов Фахриддинга битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** институт ректорининг 2015 йил 18-сентябрдаги № 240- Ст (А) буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Жалолқудуқ туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришда ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 30 » апрель 2016 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Жалолқудуқ туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни Рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>Ассистент ж2Р.Имомов</i>		
1 БОБ- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ АҲАМИЯТИ.			
<i>1.1. Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумлаштирилиши</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>11.12.2015</i>	
<i>1.2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий шароитлари ва моддий-техника таъминоти</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>23.12.2015</i>	
2 БОБ. ЖАЛОЛҚУДУҚ ТУМАНИДАГИ «ДИЛДАГИ ҚУВОНЧ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАБИИЙ, ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ ТАХЛИЛИ.			
<i>2.1. Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий ҳолати.</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>12.01.2016</i>	
<i>2.2. Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили.</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>5.02.2016</i>	
3-БОБ: ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.			
<i>3.1.Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибидаги тайёрлов бўғини ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>16.02.2016</i>	
<i>3.2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>10.03.2016</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>6.04.2016</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>Ассистент Р.Имомов</i>	<i>25.04.2016</i>	

Топшириқ берилган вақти:

БМИ раҳбарлар:

Битирувчи:

20-сентябрь 2015 йил

и.ф.н. доцент Х.Комолов

ассистент Р.Имомов

Ф.Салоҳиддинов

М У Н Д А Р И Ж А

№	Мазмуни	Бетлар
	Кириш	
1 БОБ- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ АҲАМИЯТИ.		
1.1.	Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумлаштирилиши	
1.2.	Қишлоқ хўжалик корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий шароитлари ва моддий-техника таъминоти	
2 БОБ. ЖАЛОЛҚУДУҚ ТУМАНИДАГИ «ДИЛДАГИ ҚУВОНЧ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАБИИЙ, ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ ТАХЛИЛИ.		
2.1.	Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий ҳолати.	
2.2.	Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тахлили.	
3-БОБ: ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.		
3.1.	Ишлаб чиқариш инфратузилмасида таркибидаги тайёрлов бўғини ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари	
3.2.	Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари	
	Хулоса ва таклифлар.	
	Фойдаланилган адабиётлар.	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини барча тармоқларнинг ўзаро узвий боғлиқликда ривожланишини талаб қилади. Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотнинг аксарият қисми агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқарилаётганлиги уларнинг ўзаро боғлиқлик доирасини янада кенгайтириш заруриятини келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётида агросаноат мажмуи самарадорлигининг асосий мезони якуний маҳсулот қиймати ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот пасайишида, тармоқларни етук кадрлар билан таъминланиш, уларнинг меҳнат қобилиятини тиклашда, шунингдек, АСМ тармоқларининг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлашда инфратузилмани аҳамияти катта. У ўзаро боғлиқ икки тақибий қисмдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қилиб, маълум маънода унинг таркибий бўғини ҳисобланса, ижтимоий инфратузилма АСМни кадрлар билан таъминлашга, ходимларни соғлигини сақлашга, турмуш даражаларини оширишга хизмат қилади.

АСМ тузилмаси шундай мураккаб вазифалар тизимидан иборат. Ундаги барча унсурлар бир-бири билан шу қадар узвий боғланганки, улардан бирининг ривожланишини орқада қолиши, бошқаларида самарадорликни пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон тараққиётининг барча босқичларида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноат тармоқларининг хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Ундан ташқари қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи шу соҳага тегишлидир.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан фермер хўжаликларининг рақобатбар-

дошлигига боғлиқдир. Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлиги асосида улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотининг рақобатбардошлиги ётади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримов мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

“Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг раёнлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.”¹

Маълумки, аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар тармоқда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари

¹Каримов И. А “Бош мақсадимиз –мавжуд қийинчиликларга қарамасдан олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий улкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир ” Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи , 16 январь 2016 йил №-11.

таркибини оптималлаштириш асосида пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш орқали мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, шу билан биргаликда етакчи тармоқ ҳисобланган пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлигини кескин камайиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган. Бу соҳада Президентимизнинг 22 октябр 2012 йилдаги 4478-сонли фармони билан ташкил этилган Республика фермерлари кенгашига ва уни жойлардаги вакилликларига жуда катта ва маъсулиятли вазифалар юкланди.

Мустақил ривожланиш йилларида пахта майдонини қисқартириш ҳисобига суғориладиган ғалла, айниқса, буғдой ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, минерал ўғитлар меъёрининг камайиши, сув танқислиги ва ҳ.к. гектаридан олинадиган ҳосилдорликка салбий таъсир этди.

Ўзбекистон пахтачилигидаги истиқболли вазифа унинг ялпи ҳосили ҳажмини кескин камайтирмаслик, унинг сифатини яхшилаш, асосий қисмини минтақада қайта ишлаш ҳисобланади. Пахтачилик ва у билан боғлиқ бўлган халқ хўжалиги тармоқларини интенсив ривожлантириш мавжуд меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади республика иқтисодиётининг барқарор ўсишига реал шароит яратади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, хусусан пахта экиладиган майдонларнинг қисқариб бориши, пахта хом-ашёсини қайта ишлашни ривожлантиришга бўлган эътиборнинг тобора ортиб бориши шароитида ушбу маҳсулотни талаб даражасида ишлаб чиқариш учун янги технологияларни қўллаш тармоқни ривожлантириш, сарфланаётган ресурслар бирлиги ҳисобига олинаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, тармоқ самарадорлигини, пировард натижада эса пахта етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий инфратузилма ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиётнинг реал сектори билан бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда бозорга хос бўлган маслаҳат берувчилар ва хизматлар кўрсатувчи консалтинг хизматлари соҳаси ривожланмоқда, зооветеринария, чорва молларини сунъий уруғлантириш, фермерларни насли чорва моллари билан таъмин этиш каби йўналишларда хизматлар кўрсатиш жадал тараққий этмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, совдотик, молия, суғурта, тижорат банклари тизимини ўз ичига олувчи мутлақо янги йўналишларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўлга қўйилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, иқтисодий ислохотдаги навбатдаги вазифа маҳсулот сифатини, рақобатбардошлигини ошириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳисобига қўшимча қиймат яратиш, ҳамда ресурслар самарадорлигини оширишдан иборат. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш керак”. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Пахта экин майдонларини қисқариши шароитида пахта ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, мавжуд ресурслар салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, янги техника ва технологияларни кенг кўламда жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан қуйи бўғин манфаатдорлигини ошириш орқали тармоқ барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш зарурияти бу масалаларни бозор талабларига мос ҳолда ҳал этишни тақозо этади.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий жихатдан асосланган ва амалий аҳамиятга молик бўлган фикр мулоҳазалар, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бўлиб ҳисобланади.

БМИда Жалолқудуқ туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалигида хизмат кўрсатиш инфратузилмаларидан самарали фойдаланиш йўллари ўрганилиб таҳлил этилди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади Жалолқудуқ туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ўрганилиб фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Шу мақсадда битирув ишида қуйидаги вазифалар бажарилди.

1. Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишнинг зарурлиги, моҳияти ва асосий йўналишларини асослаш;
2. Жалолқудуқ туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш;
3. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида Жалолқудуқ туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришда ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан самарали фойдаланиш йўлларини оптимал даражага кўтариш бўйича фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

БМИнинг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, 3та боб 73 бетдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ АҲАМИЯТИ.

1.1.Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумлаштирилиши

Қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан, қайта ишлаш саноатини эса зарур қишлоқ хўжалик хом-ашёси билан таъминлашдир. Ушбу масалани ҳал этиш келажакда тармоқни интенсивлаштириш, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, турли хил мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш билан боғлиқдир.

Хўжалик юритишнинг илмий асосланганлик даражасини юксалтириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ташаббускорлик ва фаолликни кучайтиришнинг асосий шарти бўлиб қишлоқ хўжалиги мутахассисларини иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш ҳисобланади.

Шу сабабдан, инфратузилманинг асосий мақсади объектив иқтисодий қонунларнинг фаолият кўрсатиши ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалигида амал қилиш шаклларини ўрганишдир.

Ўзбекистонда аграр сектор ўзига хос хусусиятларга эга. У хусусиятлар ўз навбатида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар муносабатларида ҳам намоён бўлади.

Саноатдан фарқ қилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши релефи, иқлими ва тупроқлари ҳар хил бўлган кенг майдонларда олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги, ўсимликларнинг ўсиши ва ҳайвонларнинг ривожланишидаги табиат қонунларига бўйсунди. Шу боис, қишлоқ хўжалигида меҳнат кўпгина ишлаб чиқариш жараёнлари мавсумийдир. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат жараёнига ва унинг натижасига табиий шароит саноатдагига қараганда анча кўпроқ таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси сарф қилинган меҳнатнинг миқдори ва сифатига, техника ва ўғитлардан фойдаланиш даражасига қараб белгиланади.

Механизация, электрлаштириш ва кимёлаштириш қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва интенсивлаштиришнинг асосий йўлидир.

Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиш даражаси жиҳатидан қишлоқ хўжалиги саноатдан орқада қолмоқда. Бунга аввало, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти туфайли корхоналарнинг мақбул миқёси анча кичиклиги сабаб бўлмоқда, холбуки кўпгина мамлакатларда йирик корхоналар билан бир қаторда кўп сонли деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам сақланиб қолмоқда. Улар асосан фермер ва унинг оила аъзолари кучи билан юритилади.

Ишлаб чиқариш даври ва иш даврининг мос келмаслиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлигини асослайди. Мавсумийлик ишлаб чиқаришини ташкил этиш, техника, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва охир оқибатда бутун тармоқ самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимоти, унинг тақозосига кўра ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, хусусан саноатдагига нисбатан бошқача тарзда юз беради. Ер, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилona фойдаланиш мақсадида бу ерда ўсимликшунослик тармоғини чорвачилик тармоғи билан ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хунармандчиликни ривожлантиришнинг оқилona мувофиқлигига эришиш лозим. Ижтимоий меҳнат тақсимотини такомиллаштиришда алоҳида ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларида меҳнат жараёнини ташкил қилиш турлича амалга оширилади. Бу ерда ижрочи саноатдаги каби доимий иш ўрнига эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш жараёнида йил фасли ва ўсимликнинг ўзига хос хусусиятларига қараб дала ишчиси ва механизаторлар турли хил ишларни бажаришади. Механизатор барча машина ва агрегатларда ишлай олиши керак, деҳқон эса уруғлар ва экиш материалларини тайёрлаш, ўсимликларни парвариш қилиш, тайёрлаш, йиғиб олиш жараёнидаги барча ишларни бажара

олиши лозим. Бунда ишнинг тури ҳар куни эмас, балки шароитдан келиб чиқиб, муайян бир иш куни давомида ўзгариши ҳам мумкин.

Қишлоқ хўжалигини саноат тармоқларидан ажратиб турувчи бу каби тармоқ хусусиятлари моддий-техника базасини шакллантиришда, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда ҳисобга олиниши зарур.

Инфратузилма - латинча сўз бўлиб, инфра-қуйи, асос, структуре (тузилма)-тузилиш, ўзаро жойлашув маъносини ифодалайди. Инфратузилма моҳияти миллий хўжалик ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий сферанинг умумий шароитини таъминлаш учун хизмат қиладиган соҳалар мажмуасини ифодалайди.

У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларнинг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва қишлоқ хўжалигининг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишга йўналтиради. Инфратузилма қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Кўп қиррали хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётига хос муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар яратади.

Аграр соҳада хўжалик юритишда хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти жуда беқиёсдир. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларида, яъни ерни экин экишга тайёрлашдан, токи уруғни ерга қадашдан бошлаб, зарур агротехник тадбирларни амалга ошириш, етиштирилган маҳсулотларни йиғиб олиш ва бошқа бўладиган барча жараёнларда турли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар иштирок этади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши албатта ишлаб чиқариш ва ижтимоий

инфратузилмаларни қанчалик тараққий этганлигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳажмини ошиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожланиши хизмат турларининг кўпайиши билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда нисбатан ривожланган қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, хусусан техника, агрокимё, мелиорация ва оқар сув билан таъминлаш, зооветеринария, транспорт, селекция ва уруғчилик, ёкилғи-мойлаш материаллари, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда ихтисослашган банк хизматларини санаб ўтиш мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалигида инфратузилма фаолиятини ривожлантириш ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган инфратузилма тизимини яратиш орқали нафақат иқтисодиётда асосий вазифаларни ҳал этиш мумкин, балки энг асосий макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, кўп укладли иқтисодиётни ва ҳақиқий мулк эгасини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта бозорини босқичма–босқич эркинлаштириш, самарали меҳнат бозорини шакллантириш ҳамда аҳоли моддий турмуш шароитининг барқарор ўсиши таъминланишига эришиш мумкин.

Аграр секторда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш ўз навбатида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ислох қилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари талаб, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш, қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим объектив зарурияти қуйидагилардан иборат:

- Турли мулкчилик ва хўжалик юритувчи субъектларни юзага келиши, майда товар ишлаб чиқарувчиларга айланиши, уларни умумий сонининг ортиши, ҳар бирига бириктирилган ер майдонлари ҳажмини кичиклашиб бориши;

- Режали иқтисодиёт тизимида хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларга маблағ давлат томонидан ажратилган. Ҳозирда эса

хўжалик юритувчи субъектларни ўз маблағларидан сотиб олиши, натижада хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни тузишда маблағи ва имконияти етарли эмаслиги;

- Сифатли, арзон ва кафолатли хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларга бўлган талабнинг ошганлиги;

- Мавжуд хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг асосий қисми йирик хўжаликларга хизмат кўрсатишга ихтисослашганлиги, майда товар ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжлари ҳисобга олинмаганлиги;

- Илгари барча қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника таъминоти бевосита давлат томонидан фонд орқали амалга оширилган бўлса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида эса, моддий ресурсларни хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиши;

- Майда товар ишлаб чиқарувчиларда пул маблағлари айланиш ҳажми камлиги ва молиявий жиҳатдан заифлиги, ҳар бири ўзида сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш имкониятига эга эмаслиги.

Мамлакатда чуқур иқтисодий ислохотлар олиб борилиши иқтисодиётнинг барча жабҳалари сингари, қишлоқ хўжалигида, унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тизимида ҳам туб ўзгаришларга олиб келди. Янги сервис (консалтинг, инженеринг, лизинг ва бошқа) хизматлари вужудга келди. Аксарият сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти тубдан ўзгарди, хизмат турлари кенгайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи субъектларнинг майдалашуви, жумладан фермер ва деҳқон хўжаликларининг вужудга келиши, ширкат хўжаликлари ичида ерларни оила пудратига бириктириб берилиши, муттасил зарар билан ишлаб келаётган ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилиши сервис хизматларига бўлган талабни кескин ўсиб боришига олиб келмоқда.

Мустақил фаолият юритувчи субъектлар сонини ортиб бориши эса муқаррар равишда хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришни тақозо қилади. Чунки, мулк шаклидан қатъий назар, ҳар бир хўжалик юритувчи

субъект ўзининг турли сервис хизматларига бўлган талабини ўз вақтида, кафолатли, арзон ва сифатли хизматлар орқали қондиришга интилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг қисқа даври мобайнида агросервис тизими маълум даражада шаклланди. Бугунга келиб республикада фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш соҳасида турли йўналишлардаги сервис корхоналари сони ортиб бормоқда. Жумладан, республика бўйича 1681 та ММТПлар, 917 та минерал ўғит шахобчалари, 1366 та нефт маҳсулотлари шахобчалари, 1487 та СФУлар, 2596 та зотли мол сотиш ва зооветеринария шахобчалари, зооветеринария дорихоналари сони 315 та, ахборот-маслаҳатлари марказлари 216 та, 1462 та минибанклар хизмат кўрсатди.

Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун келажакда мамлакатимизнинг бутун иқтисодиётини барқарор ва узлуксиз ривожланиши учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида қишлоқ хўжалигининг ўрнига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бунинг заминида катта бир тармоқ, яъни қишлоқ хўжалигининг ўрни бекиёслиги кўриниб турибди, лекин қишлоқ хўжалиги ҳам ўзидан-ўзи ривожланавермайди, унга хизмат қилувчи инфратузилма соҳаларининг хизмати туфайли гуркираб ривожланади.

Ҳозир қишлоқда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг самарали иш юритиши кўп жиҳатдан ҳудудларда инфратузилма муассасалари ривожланганлиги даражасига боғлиқ. Инфратузилма муассасалари уларнинг хизмат кўрсатиш соҳалари нуқтаи назардан уч гуруҳга бўлинади.

- Биринчи гуруҳ – бу ишлаб чиқариш инфратузилмаси муассасалари,
- иккинчи гуруҳ- ҳудуддаги ижтимоий соҳа муассасалари,

-учинчи гуруҳга бозор инфратузилмаси муассасалари бозорда маҳсулот, пул ҳамда ишчи кучлари ҳаракатини таъминловчи корхона ва ташкилотлар киради.

Ҳозирги шароитда ҳудудларда хизмат кўрсатиш тоифасига кирувчи бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳудудий тадбиркорликни, айниқса кичик бизнес шаклини тараққий этилишининг ўта муҳим масалаларидан ҳисобланади.


Транспорт, алоқа, йўл, сақлаш ва омборхона хўжаликлари, таъмирлаш устахоналари, моддий техника таъминоти шаҳобчалари, илмий ишлаб чиқариш лабораториялари, техника хизмати шаҳобчалари, электр энергия, селекция ва уруғчилик, кимё хизмати, минерал ва маданий ўғитлар билан таъминлаш, ветеринария ва наслчилик хизмати, маҳсулотни тайёрлаш ва қайта ишлаш хизмати, ҳамда бошқа шунга ўхшаш соҳа хизматларидан фойдаланган ҳолдагина ривожланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг барча жараёнларида, жумладан, ерни экин экишга тайёрлаш (ерни текислаш, шудгорлаш), уруғни ерга қадашдан бошлаб, зарур агротехник тадбирлар ўтказиш, етиштирилган маҳсулотларни йиғиб–териб олиш ва бошқа бўладиган жараёнларда турли сервис хизматлари кўрсатилаяпти.

Ижтимоий инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятларини акс эттирадиган ўзига хос жиҳатларга эга. Ижтимоий инфратузилма объектлари қишлоқ хўжалиги корхоналари ресурслари ва қишлоқ аҳолиси пул маблағлари ёки давлат инвестицияларини яшаш жойлари, болалар боғчалари, мактаблар, поликлиникалар, алоқа тармоқлари ва бошқа қурилишларга самарали сарфлаш орқали барпо этилади.

Ушбу 1-чизмада фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма турлари келтирилган.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг туркумлианиши



Қишлоқ жойлардаги ижтимоий инфратузилма бўлимлари нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ишчиларга, балки қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудида яшовчи аҳолининг бошқа қисмига ҳам хизмат кўрсатади.

Мақсадли йўналиши, шаклланиш манбаи, ҳудудий жойлашуви ва ишлаб чиқариш жараёнида катнашишига кўра, ижтимоий инфратузилма объектлари ва хизмат соҳаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга корхоналар ҳисобидан барпо этилган, хўжалик бўлимларида жойлашган ва меҳнат шароитлари, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг ҳордиқ чиқариши, шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган объектлар тегишлидир. Бу гуруҳ таркибига бригадалардаги ва чорва фермаларидаги маиший иншоотлар, бўлимлардаги умумий овқатланиш пунктлари, соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳордиқ чиқариш объектлари, ёнғинга қарши кураш пунктлари киради. Улар чорвачилик мажмуаларида, фермаларда, устахоналарда, трактор паркларида, дала стансияларида жойлаштирилади.

Иккинчи гуруҳга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аҳоли пунктларида жойлашган аҳолини коммунал уй-жой талабларини қондирадиган ижтимоий инфратузилма объектлари, маиший хизмат корхоналари, соғлиқни сақлаш, спорт, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, маданият уйлари ва клублар, савдо корхоналари тааллуқлидир. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маиший шароитларини келгусида яхшилаш ҳисобланади.

Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳим, товар-пул ва меҳнат ресурслари бозорларида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган инфратузилмасиз тасаввур этиб бўлмайди. Молия, банк-кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш зарур.

Бозор инфратузилмасининг асосий мақсади товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етиб бориши ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш борасида қулай шароитлар яратиш орқали иқтисодий тизимнинг самарали фаолият юритишини оширишга қаратилган.

Бозор инфратузилмаси республикада вужудга келаётган умуммиллий ва минтақавий бозорларнинг ишлашини, давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлайди.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмаси субъектлари асосан шакллантириб бўлинди, уларнинг ҳуқуқий–институционал асослари яратилди. Ҳозирги кунда республикада икки поғонали банк тизими, суғурта компаниялари, товар ва хом ашё биржалари, сармоя фондлари тармоғи, фонд ва кўчмас мулк биржалари, Марказий депозитарий ва иккинчи поғона депозитарийлари, лизинг ва консалтинг компаниялари, Савдо–саноат палатаси, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолият кўрсатмоқда ҳамда уларнинг фаолият йўналишлари бозор талабларига мослаштирилмоқда.

Аграр тармоқда бозор инфратузилмаси барча тармоқлар ўртасида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол ўртасидаги муносабатларни боғлаб, иқтисодиётда моддий, молиявий ва ахборот заҳираларининг айланишини тезлаштириб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошишини таъминлайди. Инфратузилма иқтисодий–ҳуқуқий, савдо–воситачилик, молия–кредит, ташқи иқтисодий ва ахборот хизматлари кўрсатишда иштирок этиб, қишлоқ хўжалиги субъектларининг иқтисодиётдаги барча субъектлар билан моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Инфратузилма, бу иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуидир. Инфратузилмага кирадиган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хилда таъсир кўрсатмайди ва жамият ишлаб чиқаришида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу туфайли инфратузилма тармоқларини асосий кўрсаткичлари бўйича

туркумлаштириш муҳим амалий аҳамиятга эга. Инфратузилманинг туркумлаштирилиши алоҳида элементлар билан бирга бутун тармоқларнинг жамият ишлаб чиқариш тизимидаги ўринларини белгилашга ёрдам беради. У тармоқлараро алоқаларни ўрганишга ва асосий ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш тармоқлари ўртасида оптимал мувозанатни белгилашда кўмаклашади.

Инфратузилма элементларининг характери кўп томонлама ҳисобга олган ҳолда уни конкрет хусусияти бўйича туркумлаштириш мумкин эмас. АСМ инфратузилма элементларини қуйидаги тўрт хусусияти орқали туркумлаштириш мумкин:

- ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича;
- ҳудудий;
- тармоқ;
- функционал йўналтирилганлиги бўйича.

АСМ инфратузилмасини ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқариш;
- ижтимоий.

Ҳудудий хусусияти ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича тармоқлар қуйидагиларга бўлинади:

- инфратузилманинг иқтисодиёт тармоқлари;
- минтақавий тармоқлар.

Иқтисодий инфратузилма бутун иқтисодиётнинг самарали ишлашига хизмат қиладиган тармоқ ва хизматлардан иборат. Шундай қилиб, ягона энергетик, транспорт, алоқа тизимлари асосий инфратузилма мажмуи ҳисобланади. Иқтисодиётнинг электроэнергияга, почта, телеграф ватранспорт алоқаларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган.

Минтақавий инфратузилма алоҳида иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиши ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланиши билан боғлиқ.

Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида корхоналарнинг фаолиятини таъминлайдиган элемент ва ишлаб чиқаришдан иборат. Локал инфратузилмага ички хўжалик ва хўжаликлараро йўл қурадиган ташкилот мисол бўла олади.

Тармоқ хусусиятлари бўйича инфратузилма тармоқлараро инфратузилма ва тармоқ ички инфратузилмасига бўлинади. Тармоқлараро инфратузилма иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларига хизмат қилишга йўналтирилган. Тармоқ ичи инфратузилмаси эса аниқ тармоқнинг ишлашига ёрдам беради.

Функционал йўналтирганлик бўйича АСМ инфратузилмасида иккита соҳани кўриш мумкин: бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳа, ҳамда пировард маҳсулот истеъмолчига етиб боришини таъминлайдиган соҳа. Биринчи соҳа машина таъмир-таъминоти тармоғи, транспорт, мелиоратив-сув таъминоти ташкилотлари, агрономия, ветеринария, ахборот хизматлари, моддий-техника таъминоти ва электрлаштириш тизимларидан, иккинчи соҳа эса маҳсулотни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ташкилотларидан иборат. АСМ нормал ишлашини турли қадоқлаш материалларининг етарли миқдорисиз таъминлаш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, маҳсулотни қайта ишловчи, истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқларнинг ўзаро ҳамкорликдаги узвий боғлиқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш АСМ вужудга келиши ва ривожланишининг асосий негизи ҳисобланади.

1.2.Қишлоқ хўжалик корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий шароитлари ва моддий-техника таъминоти

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида хўжалик юритишнинг янги услублари асосида таҳлил ўтказишнинг назарий негизи корхоналар, хўжаликлар, уюшмалар иш тажрибасини чуқурроқ тараққий эттиришни талаб этади.

Чунки корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қонунига мувофиқ хусусий хўжаликлар ташкил қилиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кенг йўл очиб бериш тадбирлари белгиланди. Бу борада муҳосиблик ҳисоби ва таҳлил вазифалари жиддий аҳамият касб этади.

Таҳлил этиш самарадорлиги қишлоқ хўжалик корхонасининг иши устидан режали раҳбарликни амалга ошириш ва уни назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик фаолиятини ўрганишда унинг асоси қилиб олинган услубга кўра, таққослаш, текшириш, маълумотларни ишлаб чиқиш усулларида фойдаланилади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш молиявий фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш жараёнида қўлланиладиган асосий усуллар қуйидагилардир: таққослаш, статистик гуруҳлаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, занжирли боғланиш усуллари, математик усулларни қўллаш ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалик фаолиятини юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида ўрганиш, хўжаликдаги фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлашга, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, иш фаолияти самарадорлигини оширишга имкон яратади. Бунда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири таққослашдир. Бу усулда бир неча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан:

- ҳисобот кўрсаткичлари режада келтирилган маълумотлар билан таққосланади;

- ҳисобот йилида эришилган натижалар кўрсаткичи ўтган йиллардаги бажарилиш маълумотлари билан солиштирилади;

- ишлаб чиқариш йўналишида бир неча йил давомидаги ўзгаришлар динамикаси аниқланади;

- қишлоқ хўжалик бўлинмаларининг ишлаб чиқариш натижалари туман, вилоят ва республика бўйича эришилган кўрсаткичлар ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари иш натижалари билан солиштирилади. Бу орқали ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш ва уларни жорий этиш чораларини белгилаш имконияти туғилади.

Ҳар бир таққослаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш йўналиши учун зарур ечимларни топишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш ва тармоқни такомиллаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқишда, маблағлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда таҳлил ишларининг аҳамияти катта.

Таҳлилни тўғри уюштириш учун таҳлил режасини ишлаб чиқиб, мавжуд маълумотларни ўрганиш, олдиндан текшириш зарур.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида таҳлил ишларини ташкил этишнинг асосий шакли иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи иқтисодий кенгашдир. Унинг асосий вазифаси хўжаликнинг ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг маълум давр ичидаги иш натижаларини ҳар томонлама ўрганиш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг жорий истиқболли режаларини ишлаб чиқишда қатнашиш, имкониятларни аниқланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллариини белгилашдан иборат.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаётганида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темир йўл

стансиясига, маҳсулот топширадиган ва сотадиган омборга яқин-узоқлиги эътиборга олинади. Ер-сув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари, турар жой, маданий-маиший бинолар билан таъминланганлиги уларнинг газлаштирилганлик ва телефонлаштирилганлик даражаси ўрганилади. Чунки айти шу омиллар кўп ва арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконини беради. Шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, жамоа, давлат, ширкат хўжаликларида сутчилик, мевачилик, узумчилик ва сабзавот етиштириш тармоқларини ривожлантиришга шароит яратади.

Қишлоқ хўжалик тармоқларини, жойлаштиришда юк ташиш шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Транспорт воситалари талаб доирасида бўлмаса, сут, сабзавот, картошка ва сифати тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни ўз вақтида манзилга етказиб бериш ва сотиш қийинлашади. Маҳсулот сифати бузилиши натижасида корхона иқтисодий зарар кўради.

Корхоналар учун меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари аввало, уларнинг ихтисослашиши, марказлашуви, ривожланиш йўналишлари, аҳоли пунктларининг жойлашиши, ҳудуднинг хусусиятлари ва техника билан қуролланганлиги, қисқаси, механизациялаш даражаси бўйича танланади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш шаклларини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасининг юқори эмаслиги ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бозор муносабатлари шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги аҳоли миграцияси жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, чунки қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасининг кам ривожланганлиги кўпгина кишиларни, хусусан ёшларни иш ахтариб шаҳарга келишига ёки ишлаб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Иш билан таъминлаш соҳасида шаҳар маълум устунликка эга, чунки инфратузилма яхши ривожланган жойда имкониятлар ҳам кўпроқ бўлади.

Қишлоқ жойларида эса бугунги бозор муносабатлари янги хўжалик юритишга ўтаётганлиги бир томондан, ишчи ўринларининг қисқаришига олиб келмоқда, иккинчидан эса, янги меҳнат тармоқлари ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш энг долзарб вазифага айланмоқда. Қишлоқда ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг турли шакллари ҳар хил ҳуқуқий асосларда яратилиши мумкин:

- хўжаликлараро ўзаро хизмат кўрсатиш тармоқлари маълум соҳада ихтисосланиши;

- яқка тартибда хизмат кўрсатиш соҳалари вужудга келиши;

- шаҳар билан қишлоқ ўртасида ўзаро келишув асосида маълум субъектлар ўртасида хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш кабилар одамларни иш билан таъминлаш борасида қўшимча имкониятларини вужудга келтиради.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларнинг барчасида турли корхоналарни давлат, кооператив, жамоа ҳамкорлигида, хусусий ҳамда кичик корхоналар кўринишида иқтисодий фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги миқёсида турли корхоналарни ривожлантириш билан бирга уларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади. Ривожланган индустриал мамлакатларда қишлоқ хўжалиги секторининг 80-90 фоизини турли шаклдаги бизнес корхоналари ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам жаҳондаги ривожланган мамлакатларни кичик корхоналар бўйича қўлга киритган ютуқларидан тажриба сифатида фойдаланиш ҳамда мамлакатимизда бир неча асрлар давомида турли соҳада фаолият кўрсатиб келган ҳунармандчилик корхоналари фаолиятини, мустақиллик қўлга киритилганлиги натижасида, қайта тиклаш учун ҳуқуқий имкониятлар яратилмоқда. Бу айниқса Ўзбекистон

Республикасининг, «Корхоналар тўғрисида»ги (1991 йил 15 февралда қабул қилинган) қонунида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Аслида давлат манфаати билан турли шаклдаги мулк эгаларининг ўзаро манфаатларини бир-бирига айнан кичик корхоналар боғлайди. Корхоналар аҳолининг пул маблағлари ва бошқа жамғармаларини ишлаб чиқаришга йўналтиради, шу билан бирга давлатнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишда иштирок этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 85минг кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда бизнес корхоналари эркин иқтисодий фаолият олиб бориши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида кўрсатилганидек, «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади». Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини муҳофаза этишни кафолатлайди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси дейилганда моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси фан-техника янгиликларидан кенг кўламда фойдаланадиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси таркибига ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат қуроллари ва буюмлари, электр жихозлари, ёқилғи ва мойлаш материаллари, таъмир техникаси, ишлаб чиқариш бинолари, мелиорация ва йўл иншоотлари, алоқа воситалари, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар, уруғлик, озуқа ва ҳоказолар киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий таъминотининг ташкилий асослари асосан «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ олиб борилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника таъминотининг ташкилий омиллари қишлоқ хўжалигининг бир қатор хусусиятларига боғлиқ.

Биринчидан, хўжалик моддий-техника базасида асосий ролни ер ўйнайди. Ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ундан фойдаланишга боғлиқ. Ер унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлигини етиштириш учун ҳар хил миқдорда харажат қилиш талаб этилади. Бу эса ҳар хил унумдорликка эга бўлган ердан бир хил миқдорда ҳосил етиштириш учун ҳар хил миқдорда асосий ва айланма фондларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси табиий шароитлар таъсирига учраб туради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудудий характерга эга бўлиб, ҳар бир ҳудуд тупроқ-иқлим шароити ҳар хил бўлиши туфайли ҳар хил русумдаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ҳудудларда ва улар ичидаги хўжаликларда моддий-техника базаси тузилмаси ҳамда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражаси ҳар хил бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир-бирига мос келмаслиги туфайли ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга. Бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Хўжалик машиналардан ўсимликчиликда йил мобайнида бир неча ой фойдаланади. Ишлаб чиқаришнинг мавсумий бўлиши уруғлик, озуқа, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа меҳнат буюмлари захирасига эга бўлиш заруриятини вужудга келтиради.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши биологик жараёнлар билан чатишиб кетади, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли организмлардан (ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, паррандалар

билан ҳайвонлар, боқувга қўйилган ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар) иборат. Улардан самарали фойдаланишга эришмоқ учун тегишли ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқ керак. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг ўсиши жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фондларининг ўсишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари мувоффақиятли фаолиятининг асосий шартларидан бири уларни ўз вақтида барча зарурий воситалар ва меҳнат қуроллари билан таъминлашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий–техник жиҳатдан такомиллаштириш қуйидаги асосий тадбирларни қамраб олади:

- хўжаликнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- улар учун асосий талабномаларни тузиш ва тақдим этиш, талабномаларни таъминот ташкилотлари, тайёрловчи заводлар ҳамда моддий – техник ресурсларни етказиб берувчиларга ўз вақтида топшириш;
- ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ва бу шартномаларни ўз вақтида мувоффақиятли бажариш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техник таъминлашда таъминот ташкилотларининг фаолиятини замонавий шарт-шароитларга мос равишда қайта ташкил этиш муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Лизинг операцияларда "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси (лизинг берувчи), МТП вилоят ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари (лизингга олувчилар), қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ва қўшма корхоналари (техника воситаларини ишлаб чиқарувчилар) билан бир қаторда Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Пахтабанк" ва "Ўзагросуғурта" компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда Республика қишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техник таъминлашни ташкиллаштиришнинг лизинг, дилерлик фирмалари, улгуржи савдо, машина техника стансиялари, техника ижараси шаҳобчалари ва бошқа усуллари кенг ёйилиб бормоқда.

Лизинг компанияси завод-тайёрловчидан маҳсулотларни сотиб олиб, уларни истеъмолчиларга ижара сифатида тақдим этади. Мулк шартномада кўрсатилганидек маълум бир муддатга, истеъмолчининг белгиланган тўловини тўлаши билан берилади.

Шартномада истеъмол қиймати, хизмат кўрсатиш баҳоси ва компания кўшимча қийматининг бир қисми ҳам кўрсатилади. Айни пайтда мулк компаниянинг шахсий мулки бўлиб қолаверади, аммо шартномада кўрсатилган муддат тугаши билан уни қолдиқ қиймати билан истеъмолчига ўтказиш мумкин.

Демак, лизинг усули асосида ишлаб чиқариш воситаларини сотиш, харид қилиш ва ижарага бериш операциялари ётади. Қуйидагилар лизинг операцияларининг мажбурий иштирокчилари ҳисобланади:

- корхона–техникани тайёрловчи;
- лизинг компанияси–лизинг берувчи;
- қишлоқ хўжалиги корхонаси–лизинг оловчи.

Лизинг операцияларини молиявий таъминлаш учун компаниялар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида ташкил этилган лизинг жамғармаси, банк кредитлари ва маҳаллий молия органларидан фойдаланишади. Шу сабабли, лизинг, қишлоқ хўжалик корхоналарини зарурий техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг илғор усулларида бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техник таъминлашнинг ташкилий шакли сифатида лизинг қатор ижобий томонлар билан бирга камчиликларга ҳам эга. Ижобий томонлари:

- зарурий техникага бир зумда катта харажатларсиз эга бўлиш;

-лизинг тўловлари муддатини узайтириш;
-лизинг предмети қийматининг индексацияланиши хавфи йўқлиги;
-лизинг хизматларига фақат пул эмас балки натура шаклида ҳам тўлаш мумкинлиги;

-лизингда қишлоқ хўжалик корхоналарига имтиёз бериш;
-лизинг тўловларини жорий зарарларга киритиш;
-ижара техникасидан юксак самарали фойдаланиш ва бошқалар киради.

Лизингнинг асосий камчиликлари: лизинг фаолиятини монополлаштириш мумкинлигидадир. Лизинг шартлари кўпчилик ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун жуда оғир бўлади. Дастлабки тўловларда техника қиймати 25-30%га етиши мумкин. Бунда фақат хизмат ҳақларини эмас, балки лизинг компаниясининг қўшимча қийматини ҳам тўлашга тўғри келади. Лизинг механизми қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қийинчиликларини тўла ҳиобга олмайди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш даражасига қараб, лизинг амалиётда кенг қўлланилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйдагилардир:

- ҳар бир қишлоқ хўжалиги зонасига мос келадиган ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган техника ишлаб чиқариш ва шу асосда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаш даражасини ошириш ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга уриниш;
- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қурилишини кенг кўламда авж олдириш ва қурилиш ишларини такомиллаштириш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини сув билан тўла таъминлашга эришиш, яъни ерларга маҳаллий

Ўғитлар солиш ҳамда суғоришнинг илғор технологияларини (масалан, Исроилнинг томчилатиб суғориш технологиясини) қўллаш орқали;

- чорвачилик фермаларини маҳсулдор зотли ҳайвонлар билан таъминлаш ва электрлаштириш даражасини ошириш;
- қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига бардош бера оладиган юқори ҳосилдорликка эга, тезпишар уруғ навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат қилувчи корхоналарнинг (таъмир, қурилиш, илмий-текшириш институтлари ва ҳоказо) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Ҳозирда Ўзбекистонда ривожланаётган, аммо моддий-техник базаси кучсиз бўлган фермер, ширкат хўжаликлари учун мулкчиликнинг турли шаклидаги машина-техника стансиялари тармоқларини ривожлантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда истеъмолчига техникани ижарага лизинг ёки оддий шаклда бериш мумкин. Ушбу шароитда лизинг шартларидаги ижара тўлови амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техник жиҳатдан техника ижараси усулида таъминлаш ҳам юқорида таъкидланганидек бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техник жиҳатдан таъминлашни ташкилий шакллари ва йўллари ранг барангдир. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳар бир аниқ ҳолатда бу шакл ва йўлларнинг ютуқ ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда асосланган энг қулай вариантини танлаш тавсия қилинади.

2 БОБ. ЖАЛОЛҚУДУҚ ТУМАНИДАГИ «ДИЛДАГИ ҚУВОНЧ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАБИЙ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТИ ВА ТАХЛИЛИ.

2.1. Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг табiiй-иқтисодiiй ҳолати.

«Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги Жалолқудуқ туманининг Амир Темур массивининг Беҳиш кураш қишлоқ фуқоролар йиғини ҳудудида жойлашган.

Фермер хўжалиги ғарб томонидан “Зохиробод нияти” фермер хўжалиги билан чегарадош ҳисобланади. Жануб, шимол ва шарқ томонларидан Хасанқовоқ маҳалла фуқоролар йиғини билан чегарадош ҳисобланади.

«Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги жойлашган ҳудуд вилоят марказидан 30 километр, туман марказидан эса 5 километр узоқликда жойлашган. «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги туманнинг пахта тозалаш заводида 5 километр, дон қабул қилиш корхонасидан эса 4 километр узоқликда жойлашган. Муқобил МТП ва марказий МТПларга қадар бўлган масофа 5 километр, нефтбазасидан 5 км, Пиллакашлик корхонасидан 5 км, Ўзкимё ташкилотидан 5 километр узоқликда жойлашган.

Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги Андижон-Хонаобод магистрал йўлига яқин бўлиб 1 километр узоқликда жойлашган. Гуруч мазор темир йўл станциясига эса 5 километр узоқликда жойлашган.

Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги 2006 йил туман ҳокимининг қарори асосида ташкил этилган бўлиб умумий майдони 59,0 гектардан иборат. Фермер хўжалигини экин майдонини 57,0 гектари ташкил этади. Уни 28,8 гектарига пахта ва қолган 28,2 гектарига буғдой дон экилди.

Ер участкаси «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигига 49 йил муддатга ижарага берилган. Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида фермер

хўжалиги билан туман ҳокимлиги билан ер бўйича ижара шартномаси тузилган бўлиб, унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўла акс эттирилган. Ер бўйича барча келишмовчиликлар ер шартномаси асосида ҳал қилинади.

1-жадвалда фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупроқ тўғрисидаги маълумотлар берилган. Фермер хўжалигининг 49 йил муддатга ижарага олинган жами 59,0 гектар ер участкаси, бўлиб шундан экин майдони 57,0 гектарни ташкил этади. Жумладан 6 та суғориш картасидан иборат бўлиб ўртача бир картанинг ҳажми 9,5 гектарга тенг.

Ушбу фермер хўжалиги 49 йил муддатга ижарага берилгандир. Ер участкасининг банитет балли 72 га тенг бўлиб у 6 та контурдан иборат.

Фермер хўжалигида суғориш карталарининг ҳажми қуйидагича:

1 суғориш каратаси 12,5 гектар.

2 суғориш каратаси 11,0 гектар.

3 суғориш каратаси 9,0 гектар.

4 суғориш каратаси 9,0 гектар.

5 суғориш каратаси 11,5 гектар.

6 суғориш каратаси 4,0 гектар.

Жами: 57,0 гектар.

Фермер хўжалигида суғориш карталарининг ҳажми техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради. Сабаби юқоридаги талабларга жавоб бера олиши учун суғориш карталарининг ҳажми камида уч гектарни ташкил этиб, бир томонининг узунлиги 1000 метр.

Ер участкасининг узок муддатли ижарага олиш шартномаси 10 банддан иборат бўлиб, унда вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳисобга олинган. Ижара шартномаси ушбу ерга ижара ҳуқуқи асосида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, барча келишмовчиликлар шу ҳужжат асосида кўриб чиқилади.

**Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигига
ижарага берилган ер участкаларининг тупроқ бонитет
баллари тўғрисидаги маълумот**

Т \p	Ер участкалари		Бонитет Баллари	Ер Майдони	Ўртача бонитет балл	Карта лар сони
	Кадастр гуруҳи	Синф				
1	1кадастр гуруҳи	1-синф	0 дан 10гача			
		2-синф	11 дан 20гача			
2	2кадастр гуруҳи	3-синф	21 дан 30гача			
		4-синф	31 дан 40гача			
3	3кадастр гуруҳи	5-синф	41 дан 50гача			
		6-синф	51 дан 60гача			
4	4кадастр гуруҳи	7-синф	61дан 70гача			
		8-синф	71 дан 80гача	57,0	72	6
5	5кадастр гуруҳи	9-синф	81 дан 90гача			
		10-синф	91дан 100гача			

Бу сохада муаммолар чикиб хўжалик судида кўрилганда ҳам суд қарори шу хужжат асосида ҳукм чиқарилади. Ушбу ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлимининг бошлиғи, фермер хўжалигининг бошлиғи ва ердан фойдаланувчиларнинг вакили томонидан имзоланиб муҳрланган.

Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларининг тупроқ бонитет баллари тўғрисидаги маълумотга кўра 4-кадастр 8-синфга яъни 72 бонитет балларга тўғри келади.

Фермер хўжалигининг ер участкаси текисликда жойлашган бўлиб, мелиоратив ҳолати яхши, ер ости сувлари 3-4 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шўрланмаган. Фермер хўжалигининг учала суғориш карталари тўла

капитал таъмирланиб текисланган бўлиб, уларни бир текисда суғориш имкони мавжуд. Унумдорлиги нисбатан олганди юқори ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг экин майдони суғорма сувлар билан таъминланиши яхши.

Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигини ер майдонларини “А. Темур” сувдан фойдаланувчилар уюшмаси орқали шахрихонсой оқава суви орвали суғоришмоқда. Ҳозирги кунда сув билан таъминланганлик ҳолати 90% ни ташкил этади.

«Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги жойлашаган ҳудуднинг табиий иқлим шароити кескин континентал бўлиб ёзи иссиқ, қиши эса нисбатан олганда совуқдир. Ёз ойларида ҳавонинг ҳарорати +32 - 37 да ражага кўтарилса. Қиш ойларида ҳавонинг совуқлиги -17 – 21 даражагача айрим йилларда эса юқори бўлади. Жумладан ҳисобот йилида ҳавонинг совуқлиги – 22 даражага пасайди.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилиши лозим. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

2-жадвалда ««Дилдаги қувонч»» фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби акс эттирилган.

Жадвал маълумотларига кўра хўжаликнинг 57,0 гектар экин майдони бўлиб, ҳисобот йилида уни 28,8 гектарига пахта қолган 28,2 гектарига буғдой дони экилган.

Ҳосилдорликни охириги уч йил ичида фермер хўжалигини тажрибасини ортиб бориши ҳисобига ўсиб борганлигини гувоҳи бўлган ҳолда, ялпи ҳосил ҳосилдорликни ошиши ҳисобига ортиб бормоқда.

Фермер хўжалиги маълумотларини ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатадики, оилавий асосда ташкил этилган бўлиб, унинг барча аъзолари хўжалик бошлиғи Исроилов Расулжоннинг яқин қариндош уруғлари бўлиб ҳисобланади.

2-жадвал

Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг экин майдони ва уни таркиби.

т\р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бир-лиги	2013 й.	%	2014 й	%	2015 й	%	2015 й.да 2013 й.га нисбатан, %
1	Жами экин майдони	га	57	100	57	100	57	100	100,0
1.1	шундан: Пахта	га	30,3	53,2	28,8	50,5	28,8	50,5	95,0
	Ҳосилдорлик	ц\ га	30,1		32,6		33,2		110,3
	Ялпи ҳосил	Ц	912,0		938,8		956,2		104,8
1.2	Дон	га	26,7	46,8	28,2	49,5	28,2	49,5	105,6
	Ҳосилдорлик	ц\ га	63,5		64,2		66,2		104,3
	Ялпи ҳосил	Ц	1695,4		1810,4		1866,8		110,1
2.	Ходимлар сони	нафар	25	100	24	100	24	100	96,0
2.1	Пахтачиликда	нафар	20	80,0	18	75,0	18	75,0	90,0
	Дончиликда	нафар	5	20,0	6	25,0	6	25,0	120,0
3	Ерни бонитет бали	балл	72		72		72		

***Фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун 1-ҒХ шаклдаги ҳисоботлари асосида тайёрланган**

3-жадвалда фермер хўжалигининг ходимлари ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг умумий сони 24 нафарни ташкил этиб улардан 5 нафари аъзолар, қолган 19 нафари эса шартнома асосида ишлаётганлардир.

Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги раҳбари Исроилов Расулжон Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги 1964 йил 26-июлда туғилган.

3-жадвал

Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот.

Т/ р	Аъзолар исми шарифи	Туғил ган йили	Иш ста- Жи	Маълу моти	Касби	Фермер хўжалиги бошлиғига қариндош- уруғчилик алоқаси	Қўшимча эгалла ган касби
1	Исроилов Расулжон	1964	24	Ўрта	ф/х бошлиғи	Ўзи	механиза тор
2	Исроилов Рустамбек	1967	20	Олий	иш юрутувчи	Укаси	аграном
3	Исроилрва Хамида	1968	20	Олий	Ошпаз	Хотини	ўқитивчи
4	Исроилов Рафиқжон	1986	5	ўрта махсус	Ишчи	Жияни	-
5	Ашуоров Равшанбек	1981	9	Ўрта	Трактор чи	Жияни	хайдовчи
6	Йўлдашев Козимшер	1986	4	Ўрта	Ишчи	-	-
7	Бабажонов Нодирбек	1985	4	Ўрта	Ишчи	-	-
8	Бахриев Халимжон	1968	25	Ўрта	Ишчи	-	-
9	Максудов Тимур	1980	8	Ўрта	Ишчи	-	-
10	Жакбаралиев Нурсултон	1982	11	Ўрта	Ишчи	-	-
11	Рашидов Олимжон	1978	13	Ўрта	Ишчи	-	-
12	Хайдаров Шароф	1972	20	Ўрта	Ишчи	-	хайдовчи
13	Ўктамов Мансур	1976	15	Ўрта	Ишчи	-	хайдовчи
14	Мардонова Азиза	1983	8	Ўрта	Ишчи	-	-
25	Фарходова Умида	1986	5	Ўрта	Ишчи	-	-
24	Шаропова Зулайхо	1969	16	Ўрта	Ишчи	-	хамшира

Ўрта маълумотли бўлиб Жалолқудуқ техтикумини томонлаган ва узок йиллар Амир Темур собиқ ширкат хўжалигида механизатор бўлиб ишлаган, 2006 йилдан бошлаб эса «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги рахбари бўлиб ишламоқда.

Фермер хўжалигини истикболдаги ривожланиши кўп жиҳатдан уни жамоасининг касбий тайёргарлиги ва хўжааликдаги мутаххассис кадрлардан қай даражада самарали фойдаланишига боғлиқдир. Юқоридагаларни ҳисобга олиб фермер хўжалигида аъзоларнинг касбий тайёргарлигини ва маълумотини ошириш чора тадбирларининг кўриш ўта долзарб масала ҳисобланади. Бу соҳада фермер хўжалиги махсус дастур тузиб уни босқичма- босқич амалга оширилишини таъминланиши лозим, акс ҳолда фермер хўжалигини замон талабларига мос ҳолда ривожлантириш ҳамда уни техник технологик ва иқтисодий мустақиллигини тўла таъминлаш масаласини ижобий ҳал этиш имконияти бўлмайди.

«Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг ҳисобчиси вазифасини фермер хўжалигини бошлиғи, яъни Исроилов Расулжоннинг ўзи бажаради. Фермер хўжалигининг барча ишчилари яқдил равишда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишини англаган ҳолда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришга интиломоқдалар.

Фермер хўжалигидаги агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда сувчи, механизатор ва агроном каби малакали ходимларга эҳтиёжи бор. Сабаби кўплаб ходимлар махсус тайёргарликка эга эмас. Натижада хўжалик четдан шартнома асосида малакали ходимларни жалб этган. «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигини аъзоларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёни бўйича касбий тайёргарлигини ошириш зарур.

Фермер хўжаликларида шартномавий муносабатларни тўғри ташкил этилиши ва қўлланилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Охириги йилларда шартномавий муносабатларни амалдаги талаблар асосида ташкил этилиши, шартномаларни рўйхатдан ўтказилиши ва бажарилиши

бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин шартномаларни тузиш ва шартнома шартларини бажарилиши бўйича бир қатор камчиликларга ҳамон йўл қўйилмоқда.

Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилар экан.

Қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган маҳсулотларни сотишга Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг жойлардаги бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам беришлари зарур. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик корхоналарида бозорни ўрганиб, савдо-сотиқ ишларини ривожлантирадиган маркетинг бўлимлари ташкил этиб, уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариши самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида етиштирган маҳсулотларининг маълум қисмини ўз такрор ишлаб чиқариши учун уруғликка, кўчат етиштиришга, емга, озуқага сарфлайди, ишчи-хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида иш ҳақи эвазига, умумий овқатланишга беради. Буларнинг ҳаммаси ҳозирча таннархда берилади. Ҳозирги даврда хўжаликлар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида иқтисодий ночор оилаларга, кексаларга, болалар уйларига ҳайрия шаклида ҳам ўз маҳсулотларини бермоқдалар. Бундай муносабатларда хўжаликлар даромад олмайдилар. Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик тармоқларини тез суръатларда ривожланиши етиштирилган маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошишини таъминлаган.

«Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги «Фермер хўжаликлар тўғрисида»ги қонунга, туман ҳокимлигининг қарорига, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган Низомга, Бизнес режага ҳамда туман ҳокимлигининг «Кадастр» бўлими томонидан берилган далолатномага асосан ташкил этилган. Хўжалик

фаолияти давлат томонидан чиқарилган қонунларга, қарорларга, фармонларига ва тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан амалга ошириб келмоқда. «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги ўзига қарашли хўжалик иморатлари, ишлаб чиқариш воситалари, экинзорлари, пул маблағлари ва бошқа мулкларини эгаси ҳисобланади. Фермер хўжалигини пул даромади маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, қимматли қоғозларни сотиш ҳисобига шаклланади. Олган пул даромаддан харажатларни қоплаш, иш ҳақи тўлаш, ажратмаларни ажратиш, тўловлар тўлаш, кредит ва устамаларни тўлаш, янги техника ва технологияларни ҳарид қилишга ишлатади.

Бундан ташқари Жалолқудуқ ОАЖ МТП ташкилоти билан қишлоқ хўжалик ишларини механизация воситалари билан бажариб бериш; «Ўзкимёқишлоқ хўжалик» ОАЖ туман шахобчаси билан хўжалик экинларини ўғитлашда минерал ўғитларни етказиб бериш; туман нефти базасига қарашли ёнилғи-мой лаш материалларини тарқатувчи шахобча орқали, хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларни етиштиришда бажариладиган механизация ишларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш; хўжалик экинларини хашорат ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича Биолабаратория билан; экинларга сув етказиб бериш бўйича массивдаги СФУ билан шартномалар имзолади.

«Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик субъекдир. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олган ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олган.

Юқорида келтирилган маълумотлар «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини асослайди.

2.2. Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик тахлили.

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан уни тузадиган шартномаларининг сифатига ва уларни бажарилишига боғлиқдир. Шартнома томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжат, битим бўлиб ҳисобланади.

Шартномавий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги (29.08.1998 й.) қонунни асосида тартибга солиб турилади.

Фермер хўжаликларида шартномавий муносабатларни тўғри ташкил этилиши ва қўлланилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Охириги йилларда шартномавий муносабатларни амалдаги талаблар асосида ташкил этилиши, шартномаларни рўйхатдан ўтказилиши ва бажарилиши бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Фермер хўжалиги ўзининг иқтисодий самарадорлигини режалаштиришда амалдаги илғор меъёрлар, стандартлар, илмий асослар ва иқтисодий кўрсаткичлардан тўлиқ фойдаланиши зарур.

Ушбу мақсадларни қуйидагича гуруҳлаш ва ифодалаш мумкин.

1. Иқтисодий ўсиш - фермер хўжалигининг иложи борица кўпроқ миқдорда ва юқори сифатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга интилиши.
2. Тўлиқ бандлик - ижро қобилиятли ва ишлашни хоҳловчи барча ишчиларни иш билан таоминлаш.
3. Иқтисодий эркинлик - барча ишловчи мутахассисларга ўз фаолият доирасида юқори даражада эркинликка эришишларига имкон яратиш.
4. Даромадни адолатли тақсимлаш - барча ходимлар тоифасини тақдирлашни йўлга қўйиш.
5. Иқтисодий самарадорлик, мавжуд чекланган ресурслардан фойдаланиш асосида кам харажат сарфлаб максимал самара олинишини таъминлаш.

Фермер хўжалигини иқтисодий самардорлиги кўп омиллар асосида юзага чиқадиган жараён бўлиб у ишлаб чиқаришни якуний натижасидир. Фермер хўжалигининг барқарор ривожланиши имкониятлари охир-оқибатда уни иқтисодий самарадорлигига боғлиқдир. Иқтисодий самарадорликка мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда иқтисодий самарадорлик кўп қиррали мураккаб иқтисодий категория бўлиб у бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичлари билан ўлчанади.

Натурал кўрсаткичларга ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, сарфланган меҳнат миқдори, ер бирлиги ва ходим ҳисобига олинган маҳсулот турларининг миқдори ва шу каби бошқа кўрсаткичлар қиради.

Қиймат кўрсаткичлари жумласига ялпи маҳсулот, баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда каби кўрсаткичлар ва уларни ер бирлиги ва ходимга тўғри келиши қиради.

Қиймат кўрсаткичлари ичида рентабеллик даражаси алоҳида ўрин тутади. У даромадлар билан харажатларни таққослаш йўли билан аникланиб, бир сўмлик харажат ҳисобига олинган фойдани акс эттиради.

Рентабеллик фойдаланиш ва куллаш жихатидан содда ва қулай иқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, ундан илмий тадқиқотда ва амалиётда кенг қулланилади. Биз ҳам фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликнинг асосий якунловчи иқтисодий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги даромадлари билан харажатларни таққослаш, асослаш асосида аниқланадиган мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория бўлиб уни шаклланишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Уни ошириш мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида амалга оширилиб унга эришиш учун техник-технологик, ташкил этиш ва бошқариш соҳаларида бир қатор ишларни

амалга ошириш керак. Жумладан, ер қишлоқ хўжалигида алмаштириб бўлмайдиган асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ернинг ўзига хос хусусияти шундаки ундан тўғри фойдаланилса у ўз унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориши мумкин. Бошқа асосий воситалар эса маълум муддат фойдаланишга қийин албатта яроқсиз ҳолга келади. Ердан қандай фойдаланганлигини кўрсатувчи энг асосий натурал кўрсаткич бу ҳосилдорликдир.

4-жадвалда Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги биров яхшиланган. 1 гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ва ишлаб чиқариш харажатлари 30,8 ва 28,7 фоизга ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 36,3 фоизга ҳамда иш ҳақи 19,7 фоизга кўтарилган. Рентабеллик даражаси шу даврда 2,8 фоиздан 22,7 фоизга яъни +1,9 даражага ошган.

Эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражада анча пастдир. Оптимал рентабеллик пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 40-45 фоизни ташкил этади. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

**Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигини
иқтисодий самарадорлиги.**

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013 й	2014 й	2015 й	2015 йилда 2013 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	57	57	57	100,0
	а) пахта	га	30,3	28,8	28,8	95,0
	б) бугдой	га	26,7	28,2	28,2	105,6
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	111404,7	127500,6	143435,1	128,8
	Шундан иш хаки	м.с	32771,9	33441,9	37648,2	114,9
3	Ходимлар сони	нафар	25	24	24	96,0
4	Ялпи маҳсулот	м.с	134571,9	156079,8	176044,0	130,8
5	Фойда	м.с	23167,2	28579,2	32608,9	140,8
6	1 га хисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2360,9	2738,2	3088,5	130,8
	б) ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	1954,5	2236,8	2516,4	128,7
7	1 ходим хисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	5382,9	6503,3	7335,2	136,3
	б) иш хаки	м.с	1310,9	1393,4	1568,7	119,7
8	Рентабеллик	%	20,8	22,4	22,7	1,9

***Фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун 1-ҒХ шаклдаги хисоботлари асосида тайёрланган**

5-жадвалда Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда хўжаликда пахта етиштириш бўйича ҳам самарадорлик анча кўтарилган. Бу рентабеллик даражасини 8,7 фоиздан, 10,3 фоизга ёки +1,6 даражага ўсганлиги билан асосланади. Хўжаликда ер бирлиги ва ходимларга тўғри келадиган барча иқтисодий кўрсаткичлар охириги уч йилда бир мунча яхшиланган. 1 гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 38,5 фоиз ва харажат 36,5 фоизга ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 46,2 фоизга иш ҳақи эса 32,4 фозга кўтарилган.

Фермер хўжалигида эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан пастдир, уни камида 30 фоизга кўтариш керак. Акс ҳолда хўжалик пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча харажатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларга ўзгарганлигини акс эттиради.

Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида Султон пахта нави экиб келинган. Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

**Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида
пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013 й	2014 й	2015 й	2015 йилда 2013 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	30,3	28,8	28,8	95,0
2	Хосилдорлик	ц/га	30,1	32,6	33,2	110,3
3	Ялпи хосил	ц	912,0	938,9	956,2	104,8
4	Ишлаб чиқариш хара- жатлари	м.с	66441,4	75758,2	86197,8	129,7
	Шундан иш хаки	м.с	21261,2	22576,0	25342,2	119,2
5	Ходимлар сони	нафар	20	18	18	90,0
6	Ялпи махсулот	м.с	72196,3	83372,5	95023,2	131,6
7	Фойда	м.с	5754,9	7614,3	8825,4	153,4
8	1ц пахтани таннархи	сум	72850	80690	90150	123,7
9	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	79160	88800	99380	125,5
10	1 га хисобига:					
	а) ялпи махсулот	м.с	2382,7	2894,9	3299,4	138,5
	б)харажатлар	м.с	2192,8	2630,5	2993,0	136,5
11	1 ходим хисобига:					
	а) ялпи махсулот	м.с	3609,8	4631,8	5279,1	146,2
	б) иш хаки	м.с	1063,1	1254,2	1407,9	132,4
12	Рентабеллик	%	8,7	10,1	10,3	1,6

***Фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун 1-ҒХ шаклдаги хисоботлари асосида тайёрланган**

Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солинмоқда.

Юкоридаги барча чора-тадбирларни самарали амалга оширилиши «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида пахта етиштиришни 15-20% гача оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган. Энди биз шу Низомга асосан пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳаражатларини бевосита Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги мисолида 6-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

6-жадвалда Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида пахта ҳаражатлари ва уларнинг таркиби акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2015 йилда 2013 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳаражатлардаги моддий ҳаражатларнинг улуши 50,8 дан 53,7 фоиз ортган. Бу ҳолатни салбий деб ҳисобламаймиз. Сабаби моддий ҳаражатлар таркибига пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ҳамда иш ва хизматлар киради.

Ҳисоб-китобларни кўрсатишича фермер хўжалигини ўзининг ерга ишлов бериш техникасига эга бўлиши ва ундан самарали фойдаланиши фермер даромадини 10-15 фоизга ортишига олиб келади.

**Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида
пахта харажатлари ва уларнинг таркиби.**

№	Харажатлар тури	2013 й	%	2013 й	%	2015 й	%
1	Моддий харажатлар	33752,2	50,8	38409,4	50,7	46288,2	53,7
	а) уруглик	5448,2	8,2	6515,2	8,6	6982,0	8,1
	б) ўғитлар	9036,0	13,6	9545,5	12,6	12671,1	14,7
	в) Ё.М.М	7109,2	10,7	8863,7	11,7	11291,9	13,1
	г) иш ва хизматлар	6245,5	9,4	5757,6	7,6	7930,2	9,2
	д) бошка моддий харажатлар	5913,3	8,9	7727,3	10,2	7413,0	8,6
2	Мехнат хаки харажатлари	21261,2	32	22576,0	29,8	25342,2	29,4
3	Ижтимоий ажратмалар	4916,7	7,4	5606,1	7,4	6378,6	7,4
4	Асосий воситалар ва но-моддий активларни эскириши	4385,1	6,6	6742,5	8,9	4913,3	5,7
5	Бошка харажатлар	2126,1	3,2	2424,3	3,2	3275,5	3,8
	Жами	66441,4	100,0	75758,2	100	86197,8	100

***Фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун 1-ҒХ шаклдаги ҳисоботлари асосида тайёрланган**

Жумладан, ерни чуқур оғдариб ҳайдалмасдан отвалсиз пулг билан ҳайдаш ҳисобига ёқилғи сарфи 2 мартага қисқариши, техниканинг иш унумдорлиги эса 1,5 баробаригача ортиши мумкин.

Маълумки пахтачиликда махсулот ҳажмини кўпайтириш ва уни сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминланиши ҳамда уларни илмий асосланган меъёрларга мос ҳолда қўлланишига боғлиқ.

Бизга яхши маълумки пахтачиликда моддий ресурсларнинг ортиқча сарфига йўл қўйилишида моддий сарфлар ҳисобини тўғри ташкил этмаслик, унумдорлиги паст ерда жойлашган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерларни ҳосилдорликни инобатга олмай минерал ўғитларни, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурсларни кўп сарф қилиши сабаб бўлмоқда. Натижада ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда ишловчи хўжаликлар йил якуни бўйича кўзда тутилган фойдани олишга эриша олмаётирлар.

7-жадвалда Жалолқудуқ туманидаги «Дилдаги кувонч» фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охирги уч йилда буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги анча кўтарилган. Яъни буғдой ишлаб чиқаришнинг асосий якунловчи иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик 37,8 фоиздан 41,6 фоизга ёки +2,8 даражага кўтарилган. Бунинг асосий сабаби ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатларига қараганда устун даражада ўсишидир.

Хўжаликда ер бирлиги ва ходимларга тўғри келадиган барча иқтисодий кўрсаткичлар ҳам охирги уч йилда бир оз яхшиланган. 1 гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 23,0 фоизга, ҳаражатлар эса 20,5 фоизга ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 8,2 фоизга ортган.

Хўжаликда буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосда фойдаланиш ҳам ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Хўжаликда минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш ҳам ўзини ижобий натижаларини бермоқда.

**Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида
бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013 й	2014й	2015 й	2015 й йилда 2013 й йилга нисбатан %
1	Экин майдони	Га	26,7	28,2	28,2	105,6
2	Хосилдорлик	ц/га	63,5	64,2	66,2	104,3
3	Ялпи хосил	Ц	1695,45	1810,4	1866,8	110,1
4	Ишлаб чиқариш хара- жатлари	м.с	44963,3	51742,4	57237,3	127,3
	Шундан иш хаки	м.с	11510,6	10865,9	12306,0	106,9
5	Ходимлар сони	нафар	5	6	6	120,0
6	Ялпи махсулот	м.с	62375,6	72707,3	81020,9	129,9
7	Фойда	м.с	17412,3	20964,9	23783,5	136,6
8	1ц бугдойни таннархи	сум	26520	28580	30660	115,6
9	1ц бугдойни сотиш бахоси	сум	36790	40160	43400	118,0
10	1 га хисобига:					
	а) ялпи махсулот	м.с	2336,2	2578,3	2873,1	123,0
	б) харажатлар	м.с	1684,0	1834,8	2029,7	120,5
11	1 ходим хисобига:					
	а) ялпи махсулот	м.с	12475,1	12117,9	13503,5	108,2
	б) иш хаки	м.с	2302,1	1811,0	2051,0	89,1
12	Рентабеллик	%	38,7	40,5	41,6	2,8

***Фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун 1-ҒХ шаклдаги хисоботлари
асосида тайёрланган**

Лекин рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан пастдир, уни камида 50 фоизга кўтариш керак. Акс ҳолда хўжалик бугдой етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди. Демак, фермер хўжалигини фойдаси уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган учта асосий фондларни тўла шакллантиришга етиши керак. Шундагина хўжалик бугдой етиштиришни ривожлантириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиши мумкин.

8-жадвалда Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида бугдой харажатлари ва уларнинг таркиби акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги 3 йилда жами харажатлардаги моддий харажатларни улиши 61,9 дан 65,9 фоизга ёки 5 даражага ортган. Лекин фермер хўжалигида моддий харажатларни улишини ҳозирги ҳолати ҳам талаб даражасидадир. Хулоса қилиб айтганда «Дилдаги қувонч» фермер хўжалиги бугдой етиштириш бўйича ҳам Жалолқудук туманидаги барқарор ривожланаётган фермер хўжаликлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Лекин, фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд. Бунда асосий эътиборни ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан ялпи маҳсулот қийматини устун даражада ўсишига ва фойда ҳажмини мунтазам ошишига қаратиш лозим.

**Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида
бугдой харажатлари ва уларнинг таркиби.**

№	Харажатлар тури	2013 й	%	2014 й	%	2015 й	%
1	Моддий харажатлар	27832,3	61,9	34667,4	67	38291,8	66,9
	а) уруглик	5170,8	11,5	6209,1	12	6639,5	11,6
	б) ўғитлар	7733,7	17,2	9572,3	18,5	10245,5	17,9
	в) Ё.М.М	5305,7	11,8	6364,3	12,3	7154,7	12,5
	г) иш ва хизматлар	6744,5	15	9417,1	18,2	10588,9	18,5
	д) бошка моддий харажатлар	2877,7	6,4	3104,5	6	3663,2	6,4
2	Мехнат хаки харажатлари	11510,6	25,6	10865,9	21	12306,0	21,5
3	Ижтимоий ажратмалар	1888,5	4,2	2069,7	4	2461,2	4,3
4.	Асосий воситалар ва но-моддий активларни эскириши	1708,6	3,8	2069,7	4	2003,3	3,5
5	Бошка харажатлар	2023,4	4,5	2069,7	4	2175,0	3,8
	Жами	44963,3	100	51742,4	100	57237,3	100

***Фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун 1-ҒХ шаклдаги хисоботлари асосида тайёрланган**

1-диаграммада Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида иш ва хизматларнинг ўсиб бориш динамикаси акс эттирилган.

1-диаграммада Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигида иш ва хизматларнинг ўсиб бориш динамикаси



Муаллиф тадқиқотлари ва фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Ушбу диаграммадан кўриниб турибдики иш ва хизматлар ўсиб бормоқда. 2013-йил 12990 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015-йилда 18519,1 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқотлар кўрсатишича фермер ўзига қулай, арзон ва самарали хизмат турини танлаш имкониятига эга бўлсагина, хизматлар нархи ва сифати муаммоси барҳам топиши мумкин.

Бунинг учун хизмат нархларини арзонлаштириш ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар сонини кўпайтириб, фермерга хизмат турларидан фойдаланишда танлаш имкониятини яратиш керак. Моддий-техника таъминотини ҳал этишда фермерлар ўлчамларини оптималлаштириш каби муаммолар ечими топилиши фермерлар фаолиятини янада яхшилаш имкониятини беради.

3-БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

3.1.Ишлаб чиқариш инфратузилмасида тайёрлов тизими ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари

Маълумки, моддий ишлаб чиқариш жараёни фақат унумдор (ишлаб чиқарувчи) меҳнатнинг амал қилиши эмас, балки бизнинг ҳолатимизда маҳсулотни сотиш бўйича қилинган меҳнат каби унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) меҳнат ҳам унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Меҳнатнинг бу икки кўриниши ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Унумли (ишлаб чиқарувчи) меҳнат билан банд бўлган шахсларнинг унумсиз (ноишлаб чиқарувчи) функциялари қанча кам бўлса, меҳнат шунчалик унумдор бўлади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигида сотиш бўйича асосий бўлмаган иккиламчи функцияларни унумдор меҳнатдан ажратиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti бўлиб қолади. Маҳсулотни сотиш бўйича меҳнат эса такрор ишлаб чиқаришнинг бошқа иштирокчиларининг функцияси бўлиши керак.

Шундай қилиб, тайёрлов тизимининг аҳамияти деҳқон ва фермер хўжаликларининг тармоқланиши билан ошиб боради. Шу жиҳатдан бу тизим замонавий, балки ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги прогрессив шакллари томонидан қўйилаётган келажакдаги талабларга ҳам жавоб бериши жуда муҳим. Замонавий шароитларда бундай талабларнинг кучайиши агросаноат кооперацияси (ҳамкорлиги) жараёнининг ишлаб чиқаришни янги ташкилий шакли сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда кузатилмоқда.

Агросаноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни саноат асосида ташкил қилиниши шароитида сотишнинг технологик жараёндаги роли таққослаб бўлмас даражада ортиб кетади. Ишлаб чиқаришнинг хўжаликлараро ва агросаноат корхоналари, комбинатлар ва бирлашмалар шаклида ташкил қилиниши махсус сотиш бўғинларини ташкил этиш заруриятини туғдиради.

Сотиш бўйича ихтисослашган ташкилотларда реализацияни яхшироқ ташкил қилиш имконияти туғилади. Бу маҳсулот йўқотилиши ва сотиш харажатларини камайтиради. Пировард натижада бундай тизимда бевосита алоқалар аҳамияти ортади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида хусусий (ўз) омбор иншоотларининг қурилиши билан тайёрлов ташкилотлари пунктларида сақлаш учун баъзи маҳсулот турларини шаҳарларга дарҳол жўнатиш зарурияти йўқолади. Маҳсулот (дон, сабзавот, мева ва ҳ.)ларнинг бир қисми хўжаликларнинг ўзида сақланиши ва зарур ҳолда истеъмол жойига жўнатилиши мумкин. Таъкидлаб ўтамизки, тайёрловларни ташкил этишнинг бундай шаклидан келадиган фойда (ютуқ)лар анча сезиларли даражада катта бўлади.

Биринчидан, бу тайёрловлардаги тиғизликни камайтиради, транспортни бўшатади, маҳсулотнинг оқилона ишлатилишини таъминлайди ва пировард натижада мамлакатдаги хом ашё ва истеъмол фондлари ҳажмини оширади.

Иккинчидан, агросаноат интеграцияси, қишлоқ хўжалик корхоналарининг бевосита ўзида қайта ишлаш қувватларининг ривожига баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларини нафақат натурал кўринишда балки қайта ишланган кўринишда ҳам сотиб олиш режаларини етказиш ҳақидаги масалаларни юзага чиқаради. Бу пировард маҳсулот бўйича корхоналарнинг фаолиятини баҳолашдаги иқтисодиёт мўлжалига мувофиқ келади.

Бевосита алоқалар бу — бир томондан, ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари ва бирлашмалар, ва бошқа томондан, тайёрлов ва савдо ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўртасида ўрнатиладиган маҳсулот сотиш бўйича ўзаро муносабатлар тизимидир. Бу тизим шундай алоқалар ўрнатишни назарда тутадиги, улар маҳсулот сотиш, унинг сифатини сақлаш бўйича, иккала контрагентнинг иқтисодий самарали ишини таъминловчи масалаларни

(вазифаларни) оперативроқ ҳал қилишга имкон беради. Бунда бевосита алоқаларнинг самарадорлиги, амал қилиши контрагентларнинг давомий ва доимий ўзаро муносабатларида ортиб боради.

Аммо контрагентларнинг ўзаро муносабатларининг ташкилий шакли фақатгина ташкилий-техник томонини тавсифлайди. Бевосита алоқалар бу - шундай ўлчовдаги жамиятнинг режали ривожланиши шароитларида товар-пул муносабатларини ишлатишнинг амалдаги иқтисодий омиллари бўлиб ҳисобланган таклиф ва истеъмол талаби ўртасидаги мувофиқлик асосида маҳсулотни реализация қилиш ва ишлаб чиқаришни тез яхшилашнинг иқтисодий шарти ҳамдир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётининг мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш бирлашмалари яратилиши билан хўжаликларда музлатгичлар ва сабзаёт омборлари барпо этиш имкони туғилади. Бу, шунингдек, савдо ташкилотларининг бундай хўжаликлар билан мустаҳкамроқ муносабатлар ўрнатиш манфаатдорлигини ҳосил қилади, чунки сақлаш жойларининг мавжудлиги маҳсулотнинг бир мунча текисроқ етказилишини таъминлайди. Бевосита алоқаларнинг ривожланишида ўз маҳсулотларини бевосита савдо ташкилотларига реализация қилганда тўловни чакана нархларда (савдо чегирмасини айириб ташлаган ҳолда) оладиган корхоналар ва бирлашмалар ҳам манфаатдор, зеро бу уларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашни илмий ташкил қилинса, бу борада фан-техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибага таяниб иш кўрилса, маҳсулотнинг исроф бўлиши анча камаяди. Шу ҳисобдан аҳоли 20% ва ундан ҳам кўпроқ қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда маҳсулотни узоқ вақт сақлашга имкон берадиган такомиллаштирилган технологиялар ишлаб чиқилган. Бу борада кимё, физика, биокимё, биотехнология, фитопатология, энтомология ва бошқа фанларнинг ютуқларидан ижобий фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон шароитида ханузгача қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йиғиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш масалалари чуқур ўрганилмаяпти, бу борадаги фан-техника ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмаяпти. Мавжуд омборхоналар ҳам маҳаллий об-ҳаво ва иқлим шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилган.

Мева ва сабзавотларни сақлашдаги асосий вазифа – уларнинг физикавий ва кимёвий таркибини, яъни ташқи кўриниши, ранги, мазаси ҳамда озиқ-овқатлик қиймати ва бошқа хусусиятларини сақлаб қолишдан иборат. Шу сабабли мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлашни тўғри ва илмий асосда ташкил қилиш аҳолини йил мобайнида ушбу маҳсулотлар билан таъминланиш муаммосини ҳал қилади.

Мева ва сабзавотларни сақлашда рўй берадиган биологик ва физиологик жараёнларни чуқур ўрганиш ва бу борада аниқ фикрга эга бўлиш маҳсулотларни сифатли қилиб сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Мева ва сабзавотларнинг сифатли сақланиши учун сақлаш мобайнида уларда қандай жараёнлар боришини ва бу жараёнларнинг боришига ташқи муҳитнинг қайси омиллари таъсир қилишини билиш зарур. Мева ва сабзавотларни сақлашда улар вазнининг табиий равишда тушишни атиги бир фоизга камайтириш маҳсулотни ўн минг тонналаб кўпайтиришга олиб келади. Шунинг учун мутахассислар мева ва сабзавотларни сақлашга эътиборни кучайтиришлари ва бу билан боғлиқ бўлган барча масалаларни чуқур ўрганишлари лозим.

Сабзавот ва мевалар тез бузиладиган маҳсулотлар ҳисобланади. Шу сабабли уларни узоқ муддат сифатли сақлаш учун қайта ишланади. Қайта ишлашнинг асосий мақсади тез бузиладиган мева ва сабзавотларни узоқ вақт ундаги витамин ва бошқа қимматли таркибий қисмларини сақлаш ҳамда уларда турли хил микроорганизмлар ривожланишининг олдини олишдан иборатдир. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаб халқнинг уларга бўлган талабини йил бўйи қондириш мумкин. Мева ва сабзавотларни илмий асосланган ва ҳар бир минтақанинг табиий ресурсларидан унумли фойдаланилган қайта ишлаш усулларини хўжаликларга кенг жорий этиш

етиштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги йўқотишини кескин камайтиради ва мевачилик ҳамда сабзавотчилик хўжаликларининг иқтисодиётини кескин кўтаришга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини контракция шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳолат учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб, қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилишни рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарни жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади. Контракция шартномасига мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтқазмаслик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов ташкилоти хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган пеня тўлайди.

Хўжаликнинг стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, маҳсулотнинг тегишли турларини ҳарид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки контракция шартномасида белгиланган миқдорда ва муддатларда идиш ва ўраш материаллари билан таъминланмаганлиги учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка етказиб берилмаган идиш, ўраш материалларини етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди. Тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса,

тайёрлов ташкилоти хўжаликка қўрилган зарарнинг жарима билан копланмаган қисмини ҳам тўлайди. Бунда хўжалик сифатсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади. Томонлар ўртасида келишилган жадвалга мувофиқ келган транспортнинг белгиланган муддатдан ортиқча бекор туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолиш билан боғлиқ, ҳаражатларни қоплайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

Тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, маҳсулот қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши аниқланган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиладилар ҳамда ушбу ҳисобланган суммадан ташқари, хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар. Юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар)нинг сифати, ассортименти, сорти стандарт талабларига, техник шартларга, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари ёки кўрсатилиши керак бўлган хизматлар қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб бериш муддати кечиктирилган, товарлар етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун

учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ, пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва етказиб бериш кечиктирилганлиги, товарлар тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод қилмайди.

Томонларнинг келишувига кўра шартномада шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги учун жавобгарликнинг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин. Зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар натижасида олдиндан кўриш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлар) муносабати билан уларнинг иродаси ва хохишига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун бир томон бошқа томон олдида жавоб бермайди. Хўжаликлар томонидан контракция шартномалари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун уларни жавобгарликка тортишда, шунингдек, ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида контракция шартномалари бўйича шартнома мажбуриятлари хўжаликлар томонидан бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг айби билан хўжаликлар томонидан контракция шартномаларининг бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар ушбу ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари шартнома мажбуриятлари, шунингдек, шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар

талабларининг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Бундан ташқари, адлия идоралари ва бошқа ташкилотлар шартномаларнинг тўғри тузилиши, бажарилиши бўйича доимий назорат олиб борадилар. Фермер шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни яхши билиши ва ўзининг шартномавий ҳуқуқлари бузилганда зудлик билан тегишли ташкилотларга мурожаат қилиши, лозим. Бу унинг шартномавий муносабатларда иқтисодий зарар кўришининг, йил якуни бўйича ўз шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун бошқа ташкилотлар олдида жавобгар бўлишининг олдини олади.

3.2.Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси - қишлоқ хўжалик инфратузилмалари ичида асосий бўғин бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси турли-туман бозор субъектлари ўртасидаги муносабатларини нормал амалга ошишини таъминлайди. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳам мураккаб тузилишга эга.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида ўзоро муносабатларни таъминлайдиган муҳит яратиш зарурлиги намоён бўлади. Бу муҳит, бозор инфратузилмасини яратишни биринчи даражали вазифалардан бири эканлигини кўрсатди.

1991-1995 йилларда бозор инфратузилмасининг янги объектларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмалари асослари вужудга келди. Булар тадбиркорлик асослари бўйича мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизими, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш, молия кредит тизими, улгуржи-воситачилик тузилмалари, агрохизмат бозори, биржа бозорлари, хизматлар бозорлари ва ташқи иқтисодий фаолият тузилмалари бўйича амалга оширилди.

1996-2000 йиллар бозор инфратузилмасининг барча элементлари мажмуасининг шаклланиши, ривожланиши ва атрофлича ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда янада такомиллашуви жараёнларини ўз ичига олди. Бу босқич авваламбор иқтисодиётда пул кредит дастакларидан фаол фойдаланиш билан тавсифланади. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини молиялаштириш ихтисослаштирилган тижорат банклари зиммасига юклатилди. Биржалар шаклланиши ва ривожланиши ҳам ушбу босқичга тўғри келди. Тўлақонли биржа бозори ташкил этилди.

2000 йилдан бошлаб бевосита Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларини янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёни бошланди. Институционал тизимлар вужудга кела бошлади ва муассасалар ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлди.

Бозор инфратузилмаси таркибига банк-молия муассасалари, биржа ва брокерлик идоралари, ахборот-маслаҳат марказлари, реклама агентликлари, суғурта, солиқ ва аудиторлик хизматлари, тижорат, улгуржи савдо ва ярмарка марказлари ва бошқалар киради. Умуман олганда, бозор инфратузилмаси моддий ва номоддий ишлаб чиқаришига, яъни инсон маҳсулот ва хизматлар истеъмолчиси сифатида дуч келадиган деярли барча соҳаларни қамраб олади. Ҳар биримиз истеъмолчи сифатида ушбу соҳаларни яхшилланишидан манфаатдормиз.

Инфратузилма қанчалик ривожланган бўлса, бозор ўйин-қоидаларини бузиш шунчалик қийинроқ бўлади.

Бозор инфратузилмасида биржа ва ярмаркалар алоҳида ўрин тутати. Молия бозорида эса фонд биржаларининг роли бекиёс.

Товар хом-ашё биржалари маълум доирада улгуржи савдо-сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат корхоналаридир.

Биржа савдосини оддий савдодан фарқи бор. Оддий савдода харидор билан сотувчи юзма-юз туради, биржада эса барча олди-сотди ишлари брокерлар воситачилигида бажарилади.

Бозор тизими иш олиб боришининг энг асосий шарт-шароитларидан бири товарлар, хизматлар, пул, қимматбаҳо қоғозлар, ишчи кучнинг бозор омилллари таъсири остида иқтисодиёт бўйлаб ўрин алмашадиган ҳаракатларига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзаро боғлиқ тизими амал қилишидан иборатдир. Уларни бозор ҳўжалигининг муассасалари ёки инфратузилмаси деб атайдилар.

Бозор инфратузилмаси – маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқарувчини истеъмолчи билан ягона бозор маконида бирлаштириб, ишлаб чиқариш ва истеъмол кўламлари ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи ва унинг барча

иштирокчилари ўз олдларига қўйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассасалар ва воситачилик таркиблари тизимидир.

Инфратузилма шартли равишда қуйидаги вазифаларни бажарувчи тўққиз туркумда ифодаланиши мумкин:

1. Тадбиркорларни тайёрлаш ва ўқитиш;
2. Хусусий бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш;
3. Молия – кредит тизими;
4. Улгуржи – воситачи тузилмалар;
5. Биржа бозорлари;
6. Агрохизматлар бозори;
7. Хизматлар бозори;
8. Транспорт таъминоти;
9. Ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлаш.

Тадбиркорликни рағбатлантириш, унинг жадал ўсиши учун кадрларнинг қудратли асоси керак. Республиканинг меҳнатга яроқли жамики аҳолиси шундай асос ҳисобланади. Шу мақсадларга тадбиркорлик соҳасида ишловчи кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими хизмат қилади.

Молия–кредит тизими – хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун турли инвестиция фондлари, тижорат банклари тармоғи - қимматбаҳо қоғозларнинг муомала бозорини кенгайтириш, уларни қайта тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни инвестициялаш учун йўналтиришга имконини беради, қарз берувчи билан қарз оловчи ўртасида бевосита муносабатларни йўлга қўяди, кредитда воситачилар тизими ва уни тартибга солиш механизминини юзага келтиради.

Кичик ва хусусий улгуржи – воситачилик таркиблари – махсус бозорлар, консигнация омборлари, омборхоналар, улгуржи дўконлар ва базалар – кенг даражадаги бевосита, узоқ давом этувчи хўжалик алоқалари, ишлаб чиқарувчи кооперацияси тартибида амалга ошириладиган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги республикалараро битимлар кўпдан кўп ишлаб

чиқирувчилардан сотиб олиш ҳисобига йиғиб, тўлаш йўли билан марказлашган асосда четга маҳсулот етказиб беришга хизмат қилишни таъминлайди.

Биржа таркиби:

- *товар–хом-ашё биржаси*, унинг филиаллари ва даллоллик идоралари – хомашё ресурслари ва қайта ишланган маҳсулотни ғоят қисқа муддатда илдам сотишни таъминлайди;

- *фонд биржаси*, унинг филиаллари ва даллоллик идоралари - кимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолиятига кўмаклашади;

- *доимий ярмакалар* – талаб ва таклифни назорат қилиб, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчилар ҳисобланади.

Агрохизматлар бозори – деҳқон (фермер) хўжаликларини юқори навли кишлоқ хўжалик экинлари уруғликлари ва экиш материаллари билан – ўз вақтида таъминлашга кўмаклашади, хўжаликларнинг илмий – тадқиқот алоқаларини қўллаб қувватлайди;

созлаш – тиклаш, агрокимё, зооветеринария хизмати кабиларни ўз ичига олади.

Хизматлар бозори – умумий йўналишдаги хизматлар бозорини таъминлайди. Ўз ичига уй–жой таъмири, қурилиш ва таъмирлаш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарини, маданий соғломлатириш ва туристик хизматларни, клиринг идораларини, консалтинг, инжиринг, ҳуқуқий, ахборот – реклама хизматлари, лойиҳа– смета, илмий – тадқиқот ишлари ва бошқаларни олади.

Транспорт хизмати – транспорт хизмати, ташилаётган юкларнинг эҳтиётлаб сақланиши ва ўз вақтида етказилишини таъминлайди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлаш тизими – кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт–импорт операцияларида, ташқи бозорда рақобатчил маҳсулот ишлаб чиқариш учун ускуналар ва технологик линиялар харид қилишга, хом-ашё, материаллар, жамловчи эҳтиёт қисмлар

етказиб бериш учун шартномалар тузишда, шунингдек халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларга кўмаклашиш ва уларда иштирок этишда ёрдам кўрсатади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бозор инфратузилмаси – инсон ақл-заковати билан синаб кўришлар ва хатоликлар усули орқали дунёга келтирилган, муттасил ривожланиб борадиган ва ўзининг мураккаблиги оқибатида олимлар, давлат арбоблари ва амалдорлар, тадбиркорлар ва барча фавқулодда эътиборга мухтож бўладиган улкан тизимдирки, у иқтисодиётнинг инсон маҳсулот ва хизматлар истеъмолчиси сифатида дуч келадиган деярли барча соҳаларини қамраб олади. Бизларнинг ҳар биримиз истеъмолчилар сифатида бу соҳаларнинг яхшиланишидан манфаатдор бўлганимиз учун ҳам бозор инфратузилмасини бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашишимиз лозим.

Кўриниб турибдики, инфратузилма қанчалик, кўпроқ ривожланган бўлса, бозорда шунчалик маданий рақобат кучли, бозор ўйини қоидаларини бузиш қийинроқ бўла боради.

Инфратузилманинг мақсади – тўловга қобил талаб қилинган шароитларда ўзаро ён беришлар асосида савдо-сотиқ иштирокчилари фойдасини кучайтиришдан иборат. Ўз мақсадларига эришиш учун инфратузилма қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

Биринчидан, оладиган фойдасини энг кўп даражада ошириш учун ўз ишлаб чиқариш харажатларини ниҳоятда камайтириб боради. Шубҳасиз, бажарилаётган хизматлар нархига устамалар етарли қаттиқ чекланган бир вазиятда сарф-харажатларни тобора камайтириб бориш харидорлар манфаатларига тўла мос тушади.

Иккинчидан, бозорда таркиб топаётган аҳволдан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш буюртмаларини кўпайтириб ёки камайтира бориб, ишлаб чиқариш учун бозор талабининг идентификатори сифатида намоён бўлади. Шу йўл билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларига жамоат ҳаракатлари қисқариб, маҳсулот чиқариш ҳажмларини жорий тартибга солиниши таъминланади.

Учинчидан, истеъмол товарлари, корхоналар, консернлар ва корпорациялар ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий зарур нархини белгилайди, шу мақсадда биржа механизмидан фойдаланилади.

Товар–хом ашё биржаларида фючерс шартномалари муомаласи туфайли келгуси даврлар, бир йил ва ундан ортиқ муддатга маҳсулот нархлари ҳисобланади. Тадбиркорлар бу билан у ёки бу товарларни тайёрлаш ҳажмларини ўзгартириб, ишлаб чиқариш дастурларини тўғрилаб олиш имкониятига эга бўладилар.

Шу тариқа объектив иқтисодий регуляторлар ҳукумат ва жамиятни ишлаб чиқаришни бошқариш ташвишидан холос қилади. Товар–хом ашё биржаларининг сигналлари фонд бозорида биржа товарини ишлаб чиқарувчи ёки истеъмол қилувчи корхоналар аксияларининг нархидаги ўзгаришларида акс этади. Шундай нарх ўзгаришлари хусусий инвесторларга ўз пул маблағларини қаерга жойлаштиришини танлаб олишда кўмаклашади.

Бу билан ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш масалалари яна бир карра объектив, соф иқтисодий усуллар билан тартибга солинади, маблағлар маҳсулотларга талаб камайган ёки самарасиз ишлаб, кам фойда бераётган корхоналарни иложсиз қолдириб, харидоргир маҳсулот товарлар ва хизматларини кўпайтиришни рағбатлантиради, фючерс ва форвард битимлари механизми орқали ишлаб чиқаришни аванс билан таъминлайди, унинг барқарор, муваффақиятли ишлашига кўмаклашади, инвестициявий ресурсларни улардан энг кўп самара олинadиган жойларда жамлайди.

Тўртинчидан, товар ва хизматлар бозорида маркетинг асосидаги инфратузилма буюртмачи вазифасини бажариб, барча истеъмолчилар номидан иш олиб боради, у билан ишлаб чиқариш ва уни бошқаришни тартибга солишга кўмаклашади.

Инфратузилманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича: қабул, ювиш- тозалаш, қуриштиш, саралаш (бузуқ ва чирий бошлаган маҳсулотни териш ташлаш), ажратиш, қадоқлаш, ўраш, пакетлаш ва контейнерлаш, сақлаш, тўплаш,

(зарур ҳолатларда) – совутиш ва истеъмолчиларга бир маромда етказиб бериш;

Саноат маҳсулоти бўйича: қабул, ўраш, пакетлаш, сақлаш, талабга биноан истеъмол учун етказиб бериш;

2. Барча турдаги маҳсулотлар бўйича: улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш учун товарларни тўплаш ва аксинча – катта туркумдаги товарни чакана истеъмолчиларга талабга биноан етказиб бериш учун кичик туркумларга бўлиш;

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчилар аванс олишларини таъминловчи фючерс ва форвард битимлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

4. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш;

5. Тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш;

6. Товарлар ташилишини таъминлаш (транспортировка);

7. Тадбиркорларини рўйхатга олиш;

8. Битимларни рўйхатга олиш;

9. Тадбиркорлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш;

10. Тадбиркорлар эҳтиёжига консалтинг, инжиниринг, аудиторлик, лойиха–смета ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

Бозор инфратузилмаси таркибига банк-молия муассасалари, биржа ва брокерлик идоралари, ахборот-маслаҳат марказлари, реклама агентликлари, суғурта, солиқ ва аудиторлик хизматлари, тижорат, улгуржи савдо ва ярмарка марказлари ва бошқалар киради. Умуман олганда, бозор инфратузилмаси моддий ва номоддий ишлаб чиқаришига, яъни инсон маҳсулот ва хизматлар истеъмолчиси сифатида дуч келадиган деярли барча соҳаларни қамраб олади. Ҳар биримиз истеъмолчи сифатида ушбу соҳаларни яхшиланишидан манфаатдормиз.

Хулоса ва таклифлар.

Жалолқудук туманидаги “Дилдаги қувонч” фермер хўжалида маҳсулот етиштиришда ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Фермер хўжаликларида моддий-техника ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда қуйидагича ёндашиш лозим:

-фермерларга хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимида рақобатчи хусусий фирмалар, техник хизмат марказлари, ширкатларини ривожлантириш;

-фермерларга моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий ва ички инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

-хизмат кўрсатиш тузилмаларига молия-кредит ва солиқлар бўйича имтиёзлар яратилиши мақсадга мувофиқ.

2. Тадқиқотлар кўрсатишича фермер ўзига қулай, арзон ва самарали хизмат турини танлаш имкониятига эга бўлсагина, хизматлар нархи ва сифати муаммоси барҳам топиши мумкин. Бунда қуйидаги муаммолар ҳал этилиши лозим;

-сервис хизмати кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти борасида фермерлар маблағларини бирлаштирган ҳолда хизмат кўрсатувчи кооперацияларини ташкил этиш;

-хизмат нархларини арзонлаштириш ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар сонини кўпайтириб, фермерга хизмат турларидан фойдаланишда танлаш имкониятини яратиш;

-фермерларга минерал ўғитлар ва захарли химикатлар етказиш тизимида хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи тузилмаларни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш;

-моддий-техника таъминотини ҳал этишда фермерлар ўлчамларини оптималлаштириш каби муаммолар ечими топилиши фермерлар фаолиятини янада яхшилаш имкониятини беради.

Таҳлиллар кўрсатишича Андижон вилоятида фермер хўжаликлари юқори натижаларга эришмоқда, ва улар:

-ерга ишлов бериш, экинларни парваришлаш, озиклантириш борасидаги фермер меҳнати натижаси;

-ресурслардан фойдаланиш, ортиқча сарф харажатларни қисқартириш борасидаги тежамкорлиги натижаси;

-фермернинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги масаласи, оиласи фаровонлиги ўз меҳнатига боғлиқлигини сезиши натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Фермер хўжаликларида тузилаётган шартномаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин; биринчи гуруҳ-фермер хўжалиги ички хўжалик фаолияти билан боғлиқ шартномаларни, иккинчи гуруҳга фермер хўжалигининг турли хизматлар кўрсатиш, моддий техника таъминоти ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ ташқи шартномалар. Айнан иккинчи гуруҳга кирувчи шартномалар ҳозирда фермерлар фаолиятида асосий ўринни эгалламоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича фермерлар билан тузилган шартномалар юзасидан кўрилган низолар кўпчилиги:

-ўғитлар ва кимёвий воситалар етказиб бериш борасидаги шартнома шартлари бажарилмаслиги натижасида;

-нефт маҳсулотлари етказиб бериш борасида тузилган шартномалар бажарилмаслиги натижасида;

-фермер маблағининг фермер розилигисиз банклар томонидан турли ташкилотларга ўтказилиши натижасида;

-пахта тозалаш корхоналари томонидан тузилган шартнома мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида фермерларга тегишли пахтадан олинган техник чигитлар қайта ишлаш заводларига ўтказиб бермаганликлари.

Маҳсулот етиштириш, сотишда шартнома муносабатлари ривожда куйидаги вазиятларга эътибор қаратиш лозим:

-фермер билан тайёрловчи, қайта ишловчи корхоналар ўртасида шартномалар тузишда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусиятини ҳисобга олиш лозим;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг табиий-иқлим шароитлари таъсирига мойиллиги, шартнома тузишда меъзон бўлиши лозим. Чунки, шартнома иқлим ўзгариши, табиий офатлар сабабли талаб даражасида бажарилмаслиги мумкин. Шартномада бундай вазият учун «Форс-мажор» шартини киритиш кўзда тутилсада, кўп ҳолда шартномалар «Форс-мажор» га юзаки ёндошиб имзоланади;

-контракция шартномасига маҳсулотнинг тез бузулиши, сифати пасайиши ёки яроқсиз ҳолга келиши мумкинлиги масаласи ҳисоб-китоблар асосидаги шартлар билан киритиш лозим. Бунда етиштирилган маҳсулотни буюртмачи қабул қилиши, ташиш, уларни сақлаш шароитларини ҳисобга олиш керак;

-фермер етиштирган маҳсулотни тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари томонидан қабул қилишда миқдори ва сифатини ҳисобга олиш механизми такомиллашмаган. Хусусан, пахта ёки ғаллани қабул қилишда маҳсулот сифатини қабул қилувчи ташкилот белгилайди ва бу жараёнда фермер иштироки деярли йўқ. Ёки ушбу жараёнга аралашиш учун фермерга шароит туғдирувчи механизм мавжуд эмас.

Шу боис фермер маҳсулотини қабул қилишда томонлар учун тенг шароитлар яратиш ва қабул қилувчи айби билан кечиктириш ҳисобига бузилган маҳсулотдан кўриладиган зарарни фермерга қайтариш имконини берувчи шартлар амал қилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
- 3..Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон.
- 5.Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.Тошкент-2008й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 фармони.Тошкент-2012й.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.Тошкент-2003 йил 4 сентябр 383-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи кишлок хужалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2012 йил 11 апрель, 106-сон.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори. Тошкент ш., 2013 йил 31 январь, 22-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2013 йил 21 июнь, 176-сон

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг қарори “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2013 йил 26 сентябрь, 49-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 16.01.2016.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

5. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўқин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил
6. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил

4.Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».Тошкент-“Адолат”-1999й.
2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

5.Асосий адабиётлар

1. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.
- 2 .А.Исмоилов, О.Муртазаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.
3. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
4. О'Р.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.
5. А.А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010.
6. Султонов А.С., Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти (дарслик) – Т.; ТИМИ, 2008 . 231 бет.

6.Қўшимча адабиётлар

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.
2. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004

3. Р.Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
4. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.

7.Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Жалолқудук туманидаги «Дилдаги қувонч» фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

8.Интернет манбалари

1. www.msu.ru. – Москва Давлат Университети.Иқтисодиёт факультети.
2. www.rsute.ru. - Г. Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академияси.
3. www.tsue.uz.- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
4. www.timacad.ru.-К.А.Тимирязев номидаги Москва давлат қишлоқ хўжалиги академияси, иқтисодиёт факултети.
5. www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.
- 6.www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
- 7.www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.